# СУЮЛТИРИЛГАН ГАЗ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТУГРИСИДА
## ШАРТНОМА № 30

Бухоро шахар

"19" 01 2022йил_

_Бухоросантехсервис_ЧП (ташкилот, корхона номи) кейинги ўринларда ''Таъминотчи" деб юритилади. Узининг _низоми_ (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи_ Р.Хасанов_ (вазифаси, фамилияси, исми) номидан, бир томондан ва Мохрўд Дўстлик МТБ (корхона, ташкилот, муассаса номи), кейинги уринларда "Истеъмолчи" деб юритилади, узининг низоми (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи бошкарма бошлиги Давронов Т Ф (вазифаси, фамилияси, исми) номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар хакида туздилар.

### 1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. «Таъминотчи» «Истеъмолчи»га суюлтирилган газ ёкилгиси буйича 2 0 2 2 й и л г а ажратилган лимитларга асосан, бошка газ екилгиси турлари буйича эса «Таъминотчи»нинг ресурс имкониятлари ва «Истеъмолчининг талабномасида курсатилган эхтиёжларига асосан тузилган ва томонлар келишилган спецификациям биноан етказиб беришни ўз зиммасига олади. Тузилган спецификация ва график шартноманинг ажралмас кисми хисобланади.

1.2. Тўловлар «Истеъмолчи»нинг 2022 йилги харажатлар сметасида ажратилган маблаглардан ошмаган холда амалга оширилади.

1.3 Шартноманинг умумий суммаси 1999980 -сўмни ташкил килади. Шартноманинг суммаси Суюлтирилган газёкилғиси ишлаб чикарувчилар томонидан ишлаб чикилаётган газ екилгисининг нархлари, суюлтирилган газ махсулотини ташиш билан боглик транспорт йўл харажатлари Узбекистан Республикаси Вазирлар Махкамаси ва Молия вазирлиги карорига асосан узгартирилганда ёки газ ёқилғиси таъминоти корхоналарининг устама нархлари ўзгарганда, ёхуд нархлар бошка объектив сабабларга кўра узгарганда кайта куриб чикилади.

### 2. МАХСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ

2.1. Суюлтирилган газ екилгиси «Истеъмолчи»га ажратилган лимитлар доирасида, «Истеъмолчи» таксимотига кура уз транспортида, марказлаштирилган тарзда, «Транзит» билан ёки Суюлтирилган газ ёкилгиси куйиш шахобчаларидан таркатиш ведомостлари асосида белгиланган тартибда (кераклисини ости чизиб кўйилсин) етказиб берилади.

2.2. Суюлтирилган газ екилгиларини -ортиш (олиб чикиб кетиш) томонлар келишган вактда, ортиш жадвалига асосан амалга оширилади. Махсулотни ортиш вакти томонлар келишувига асосан ўзгартирилиши мумкин.

2.3. «Истеъмолчи» Суюлтирилган газ екилгисини уз тасарруфидаги транспорт воситаси билан олиб кетишда Суюлтирилган газ екилгисини ташиб кетишга куйиладиган барча талабларга риоя килишни ўз зиммасига олади.

2.4. «Таъминотчи» омборига махсулот куйиш учун олиб келинган автомобил цистерналари 1510-84 давлат стандарта талабига жавоб бермаган такдирда автоцистерналар махсулот кўйишга киритилмайди. Мазкур транспорт воситаларнинг бўш бориб келиши учун килинган харажатлар «Истеъмолчи» зиммасига тушади.

2.5. Суюлтирилган газ ёкилғиси махсулотлари куйилган автоцистерналар («Истеъмолчи»нипг автотранспортида олиб кетиш хдплари бундан мустасно) «Таъминотчи» ёки унинг булимлари томонидан амалдаги меъёрий техник хужжатларга (1540-84 давлат стандарти) мос тарзда тамғаланади. Тамгалаш «Истеъмолчи»нинг талабига биноан амалга оширилади.

2.6. Суюлтирилган газ ёкилғиси «Таъминотчи» транспорта билан ташилганда транспорт хужжатларида транпорт хизматининг хаки хам кўрсатилади.

2.7. «Таъминотчи» махсулот йўклиги сабабли махсулотни тула бермаган такдирда, берилмай колган махсулот микдорини (лимити) кейинги даврда етказиб бериши шарт

Агарда махсулоти етказиб берилмаганлиги «Истеъмолчи»нинг зарар кўришига олиб келса, «Таъминотчи» кўрилган зарарни тўлайди.

### 3. ХИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ ВА НАРХЛАРИ

3.1. Ушбу шартнома ўзаро хисоб-китоблар учун асос хисобланади.

3.2. «Истеъмолчи» олаётган Суюлтирилган газ махсулоти учун хар ой олдиндан тулов:

- газ (Пропан) учун 100 фоиз; микдорида 2022 йил 31-декабрьгача амалга оширилади.

3.3. ''Истеъмолчи" томонидан тўловлар хар ойда, илова килинган графикка асосан, харажатлар сметасида ажратилган маблағлар доирасида амалга оширилади.

3.4. «Таъминотчи» Суюлтирилган газ махсулотларини «Истеъмолчи»га махсулотни юклаш пайтидаги улгуржи нархда сотади, бунда корхона устама нархи ва транспорт йўл харажатлари хисобга олинади.

3.5. Суюлтирилган газ махсулотларини нархи, транспот темир йўл харажатлари ва корхонанинг устама нархи ўзгарган такдирда ушбу шартнома ва спецификацияга тегишли ўзгартиришлар киритилади.

### 4. КАБУЛ КИЛИШ ТАРТИБИ

4.1. Суюлтирилган газмахсулотларини микдори ва сифати бўйича «Истеъмочи» «Ишлаб чикариш техника ва халк

истеъмоли молларини миқдор (П-6) ва сифат (П-7) жихатидан кабул килиб олиш тартиби тўғрисида йурикнома»га хамда бошка норматив хужжатларга асосан кабул килиб олинади.*

## 5. МАХСУЛОТ СИФАТИ

5.1. Етказиб бериладиган махсулот сифати ГОСТ 1510-85 давлат стандартлари ва техник шартларига мос булишп хамда бу махсулот ортиш ва кузатувчи хужжатларида кайд этилиши лозим.

## 6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1 «Таъминотчи» Суюлтирилган газёкилғисини етказиб бериш муддатларини кечиктирганлиги ва ўз муддатида етказиб бермаганлиги учун «Истеъмол»чига мажбуриятлар бажарилмаган кисми устидан 0,5 фоиз микдорида пеня тўлайди, лекин тўланадиган пенянинг умумий микдори етказиб берилмаган Суюлтирилган газёкилғиси кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Пеня тўлаш, шартнома мажбуриятларини бузган томонни Суюлтирилган газёкилғисини кечиктириб ёки етказиб берилмаганлиги окибатида юзага келган зарарни тўлашдан озод этмайди.

6.2. Амалдаги конунчилик ва хўжалик шартномаси, стандартлар, техник шартлар. Сифат талаби, турлари ва ассортиментлари бўйича талабга тўғри келмаган Суюлтирилган газёкилғисини етказиб берилганда «Истеъмолчи» Суюлтирилган газекилгисини кабул килишдан бош тортиши, «Таъминотчи»дан талаб даражасида бўлмаган Суюлтирилган газёкилгиси кийматининг 0.20 фоизи микдорида жарима ундириши, агар махсулот киймати тўланган булса, белгиланган тартибда тўланган маблагни кайтиб олиш хукукига эга. Талаб даражасида бўлмаган Суюлтирилган газёкилгисини етказиб берилганлиги учун жарима «Таъминотчи» дан акцептсиз тартибда ундирилади.

6.3. Шартномада белгиланган муддатда олинмаган ва Суюлтирилган газёкилгисини олишдан сабабсиз бош тортганлиги учун «Истеъмолчи» нинг харажатлар сметасида мавжуд маблағлар хисобидан «Таъминотчи» га олинмаган махсулотининг умумий кийматини 5 фоизи микдорида жарима тўлайди. Суюлтирилган газёкилгисини тўлик олинмаган такдирда «Таъминотчи», жарима ундиришдан ташкари, махсулот олинмаганлиги натижасида кўрган зарар кийматини тўлашни талаб килишга хакли. бунда у мазкур махсулотнинг борлигига кафолат бериши лозим.

6.4. Етказиб берилган Суюлтирилган газёкилгиси тўловини 60 кунлик кечиктириб юборганлик учун «Истеъмолчи» хисобидан «Таъминотчи»га ўтказиб юборилган хар бир кун учун кечиктирилган Тўлов суммасининг 0,4 фоизи микдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортик булмаган микдорда пеня тўлайди.

6.5. Ушбу шартномада бирон-бир шартнинг бажарилмаганлиги учун жавобгарлик белгиланмаган бўлса, у холда мазкур бажарилмаган шартлар учун жавобгарлик Ўзбекистан Республикаси Фукоролик Кодекси ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хукукий базаси тўғрисида»ги конунга биноан кўлланилади.

## 7. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

7.1. Мазкур шартнома 2022 йил «04»_январь:_дан 2022 йил «31» _декабр_гача амалда бўлади.
7.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб хисобланади ва томонларнинг хар бири» учун бир нусхадан берилади

## 8. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ

8.1. 2014 йил 1 январдан амалга киритилган Давлат бюджет кодексининг 122 ва 123-моддаси хамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли карорига асосан шатрнома тегишли тартибда Ғазначилик бошкармасида рўйхатдан ўтказилгандан сунг конуний кучга киради ва Давлат бюджет маблаглари хисобига капитал курилишга оид шартномалари мажбурий тартибда Ғазначиликда рўйхатга олиниши шартлиги ва факат у амалга оширилгандан кейин кучга кириши назарда тутилган

## 9. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

9.1. Агар шартнома тузилгандан сўнг иккала томон ўз мажбуриятларини ғайри табиий холатлар, сув тошкини, ёнгин, ер кимирлаши ва бошка табиий офатлар сабабли бажармаса хеч кайси томон тўла ёки кисман бажарилмаган мажбуриятлар учун жавобгар хисобланмайдилар.

## 10. КУШИМЧА ШАРТЛАР

10.1.Ушбу шартномада назарда тутилмаган бошка барча масалаларни тарафлар Фукаролик Кодекс ива Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугрисида»ги конунга амал килган холда тартибга келтирилади.

## 11. НИЗОЛАРНИ ХАЛ КИЛИШ

11.1.Тарафлар уртасида келиб чикадиган низолар амалдаги суд конун хужжатларида белгиланган тартибда хужалик судлар томонидан хал килинади.

11.2.Мазкур шартномага киритилган хар кандай узгаришлар ва кушимчалар езма равишда булиб, хар икки томон имзолагандан кейингина хакикий хисобланади.

11.3.Тарафлар уртасида муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва хисоб китоб тулик тугаллаган такдирда тухтатилади.

| Автомашина маркаси, тури ва микдори | Суткалик юрган масофаси(км) | 1куб.м учун сарф меъери | Уртача кунлик газ сарфи | Бир ойда куб.м | Бир кварталда куб.м | Бир йилда куб.м |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | |
| | | | | | | |
| | | | | | | |
| | | | | | | |
| | | | | | | |
| | | | | | | |
| | | | | | | |

## 12.Томонларнинг юридик манзиллари ва банк реквизитлари.

**ТАЪМИНЛОВЧИ:**

«БУХОРОСАНТЕХСЕРВИС»

р/с_20208000100578850001

МФО:__00087_Кишлокурилишбанк.ш.Каган

ИНН:200877493

ТЕЛ:_______652287451_

Директор ХАСАНОВ Р.И

_(подпись)________________

**ХАРИДОР:**

«Мохруд Дўстлик» ШТБ

Когон шахар Дўстлик кўчаси 9 уй

х/в 10002186006401704240217 0013

АТБ Тошкент шахри

МФО-00014 ИНН 305932925

Рахбар Давронов В.Н.